*Лойиҳа*

# КОЛХОЗНИНГ НАМУНАВИЙ УСТАВИ

Колхознинг мазкур Намунавий Устави хўжалик юритиш янги шароитида колхоз фаолиятининг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини белгилайди, колхоз-кооператив мулкчилигини мустаҳкамлашни кўзда тутади, колхоз аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди, уларнинг меҳнат ва тақсимот муносабатларини регламентга солади, бошқариш иқтисодий методлари кучайтирилишини таъминлайди, колхознинг ҳуқуқларини гарантиялайди, колхоз ички демократиясини ва ошкораликни ривожлантиради.

Колхоз тузуми совет социалистик жамиятининг узвий қисмидир; бу — В. И. Ленин белгилаган, тарихан синалган ва деҳқонларнинг хусусиятлари ҳамда манфаатларига мос келадиган йўл — уларнинг босқичма-босқич коммунизмга ўтиш йўлидир.

Ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик мулклиги, хўжаликни коллектив юритиш афзалликлари, Коммунистик партия билан Совет давлатининг кундалик ғамхўрлиги ва ёрдами қишлоқда ғоят катта социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириш имконини берди. Колхозчи-деҳқонларнинг фидокорона меҳнати, ишчилар синфининг, бутун совет халқининг куч-ғайратлари туфайли колхозлар техника билан таъминланган йирик қишлоқ хўжалик корхоналарига айланди. Шу асосда уларнинг жамоат бойлиги муттасил ортиб, колхозчиларнинг турмуш даражаси юксалиб бормоқда, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутлар босқичма-босқич бартараф этилмоқда.

Социалистик хўжаликнинг кооператив формаси сифатида колхозлар яхлит халқ хўжалик комплекси асосий бўғинларининг бири бўлиб, қишлоқда ишлаб чиқарувчи кучларни янада ривожлантириш ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш вазифаларига батамом мос келади, колхозчиларнинг шахсий манфаатларини коллектив ва умумхалқ манфаатлари билан тўғри қўшиб олиб бориш имконини беради.

Колхоз деҳқонлар учун коммунизм мактабидир.

## I. Колхознинг мақсад ва вазифалари

1.

________ республикаси ________

________ области (ўлкаси) ________

округи ________ райони ________

________

(колхознинг номи)

колхоз ижтимоий ишлаб чиқариш воситалари ва коллектив меҳнат асосида йирик социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини биргаликда юритиш учун ихтиёрий равишда бирлашган деҳқонларнинг кооператив ташкилотидир.

Колхоз социалистик қишлоқ хўжалик корхонаси бўлиб, тўла мустақиллик ва ўзини-ўзи бошқариш шароитида, хўжалик юритишнинг демократик принципларини давлат раҳбарлиги билан қўшиб олиб бориш асосида иш кўради.

2. Колхознинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

жамоат хўжалигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириш;

интенсив ривожланиш омиллари, фан-техника тараққиёти ютуқларини ва илғор тажрибани, қишлоқ хўжалигини юритишнинг илмий асосланган системаларини ўзлаштириш йўли билан юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш;

бутун ишлаб чиқариш-иқтисодий потенциал структурасини такомиллаштириш, хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида деҳқончилик ва чорвачиликда илғор технологияларни жорий этиш ҳисобига ана шу потенциалдан самарали фойдаланиш;

партия ташкилоти раҳбарлигида колхозчиларни коммунистик ва интернационал руҳда тарбиялаш, уларда юксак ижтимоий активлик, ерга ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан омилкорлик билан муносабатда бўлиш туйғусини қарор топтиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш, ходимларда коллективчилик ва юксак меҳнат интизоми, ишда жонкуярлик ва омилкорлик каби фазилатларни шакллантириш, социалистик мусобақани янада ривожлантириш;

колхозчиларнинг ортиб бораётган моддий ва маданий талаб-эҳтиёжларини яна ҳам тўлиқроқ қондириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, қишлоқни социал жиҳатдан ўзгартириш;

колхоз ўзини-ўзи бошқариш принципларига риоя этиш ва уларни такомиллаштириш, колхоз демократиясини бутун чоралар билан ривожлантириш, колхоз аъзоларининг Устав ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўла рўёбга чиқариш ҳамда муҳофаза қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

## II. Колхозга аъзолик, колхоз аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари

3. 16 ёшга тўлган ва ўз меҳнати билан колхоз жамоат хўжалигида қатнашиш истагини билдирган гражданлар колхоз аъзолари бўлишлари мумкин.

Колхоз аъзолигига қабул қилиш колхоз правлениесининг тақдимномасига кўра, колхозчиларнинг умумий йиғилишида ариза берган шахснинг иштирокида амалга оширилади. Колхоз аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб, уни бир ой муддат ичида колхоз правлениеси кўриб чиқади. Колхоз аъзолигига қабул қилиш тўғрисида ариза берган шахс умумий йиғилиш қарор қабул қилгунча колхоз правлениеси уни колхоз аъзолигига қабул қилиш тўғрисида умумий йиғилишга тавсия беришга қарор қилган пайтдан бошлаб колхоз аъзоси ҳуқуқларидан фойдаланади.

Колхознинг ҳар бир аъзоси учун бир хилдаги «Колхозчининг меҳнат дафтарчаси» тутилади.

4. Колхоз аъзоси:

ўзи сарфлаган меҳнат миқдори ва сифатига мувофиқ ҳақ тўланадиган, қизиқиши, қобилияти, касб тайёргарлиги, маълумотига кўра ва колхоз эҳтиёжларини ҳисобга олиб, касб, машғулот тури ва иш танлаш ҳуқуқига биноан колхознинг жамоат хўжалигида иш олиш;

дам олиш кунлари ва ҳар йилги ҳақ тўланадиган отпуска берилиши билан таъминланадиган дам олиш;

колхоз ишларини бошқаришда қатнашиш, колхоз бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш; колхоз фаолиятини яхшилаш, бошқарув органлари, ревизия комиссияси ва мансабдор шахсларнинг ишидаги камчиликларни бартараф этишга оид таклифлар киритиш;

ишлаб чиқариш малакасини ошириш ва касб эгаллашда колхоздан ёрдам олиш;

томорқа участкасида ёрдамчи хўжалик юритиш, уй-жой ва хўжалик иморатлари қуриш учун ундан фойдаланиш, шунингдек колхоз пичанзорлари ва яйловларидан колхозда белгиланган тартибда шахсий эҳтиёжлар учун жамоат молларидан, механизация ва транспорт воситаларидан фойдаланиш;

социал таъминот, маданий-маиший хизмат ҳамда уй-жой, хўжалик иморатлари қуриш ва ремонт қилишда колхоздан ёрдам олиш, колхозчиларнинг умумий йиғилишида белгиланган тартибда ёқилғи билан таъминланиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш;

хизмат командировкалари ҳамда давлат ва жамоат вазифалари бажарилиши муносабати билан харажатларни қоплаш ва бошқа хил тўловлар олиш;

ўз меҳнат бурчини бажариш чоғида шикастланганлиги ёки соғлиғи бошқа йўсинда ёмонлашганлиги туфайли кўрган зиён учун моддий жиҳатдан таъминланиш ҳуқуқига эга.

5. Колхоз аъзоси:

колхознинг Уставига ва ички тартиб-қоидаларига риоя этиши, умумий йиғилишлар, колхоз правлениеси, бригада йиғилишлари ва кенгашлари, фермалар ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларининг қарорларини бажариши;

жамоат хўжалигида виждонан меҳнат қилиши ва ўз иши натижалари учун жавоб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиши, ишнинг илғор методлари ва усулларини эгаллаши, ўз малакасини ошириши;

давлат ва колхоз мулкини мустаҳкамлаши, хўжасизликка ва жамоат мулкига ношудлик билан муносабатда бўлишга йўл қўймаслиги, томорқа фондидаги умумий фойдаланишда бўлган ерлардан оқилона фойдаланиши, табиатни авайлаб асраши, унинг бойликларини сақлаши зарур.

6. Қуйидаги ҳолларда:

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган;

партия, совет, жамоат ва кооператив ташкилотларига сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган;

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга кирган;

колхоз правлениеси белгилаган муддатда бошқа колхозларга, хўжаликлараро корхона ва ташкилотларга, саноат ёки халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ишга юборилган тақдирда колхоздан вақтинча кетган кишиларда колхоз аъзолиги сақланиб қолади.

Кексалик ёки инвалидлик сабабли ишни тўхтатган колхозчиларда ҳам колхоз аъзолиги сақланиб қолади.

7. Колхоз аъзоси шу ҳақда ёзма тарзда ариза бериб колхоздан чиқиш ҳуқуқига эга.

Колхоздан чиқиш тўғрисидаги ариза колхозчиларнинг умумий йиғилишида ариза берилган кундан бошлаб уч ой муддатдан кечиктирилмай кўриб чиқилиши керак. Колхозчи уч ой муддат ўтгунга қадар колхоз аъзолигидан чиқиш тўғрисидаги ўз аризасини қайтариб олиши мумкин.

Правление колхознинг собиқ аъзоси колхозда аъзолиги тугагандан кейин иккинчи кун унга меҳнат дафтарчасини бериши ва ҳисоб-китоб қилиши зарур.

Узрли сабабларга кўра (армияга чақирилиш, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланиш, ўқишга кетиш ва шу кабилар) колхоздан вақтинча ёки доимий кетган кишилар хўжалик йили якунлари юзасидан нисбий ишланган вақтга биноан қўшимча ҳақ ва мукофот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

## III. Ер ва ундан фойдаланиш

8. Колхоз эгаллаб турган ер колхозга муддатсиз фойдаланиш учун бириктиб қўйилади ва у давлат мулки — бутун совет халқининг умумий мулки бўлиб, сотиб олиш ва сотиш ҳамда ер давлат мулки эканлиги ҳуқуқини бузувчи бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин эмас.

Халқ депутатлари район (шаҳар) Советининг ижроия комитети ҳар бир колхозга ердан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги давлат ҳужжатини беради, унда колхозга бириктилган ернинг ҳажми ва аниқ чегаралари кўрсатилади.

Колхозга бириктилган ерлар умумий фойдаланишдаги ерлар ва томорқа ерларга бўлинади. Томорқа ерлар умумий фойдаланишдаги ерлардан натурада фарқ қилади.

Колхозга муддатсиз фойдаланиш учун берилган ерлардан ташқари, яйлов чорвачилиги, ем-хашак етиштириш ва бошқа эҳтиёжлар учун вақтинча фойдаланиш мақсадида ер участкалари ажратиб берилиши мумкин.

9. Колхоз:

ўзига бириктилган ердан энг кўп даражада тўла ва тўғри фойдаланиши, ернинг ҳосилдорлигини ошириш, тупроқни эрозиядан ҳимоя қилишга оид ишларни изчил ўтказиши, мелиорация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириши, фойдаланилмаётган ер-мулкларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига киритиши;

зона шарт-шароити ва хўжаликларнинг ихтисослашишига мувофиқ деҳқончиликнинг илмий асосланган системаларини қўлланиши;

ерлар ва табиий экинзорларни миқдор ва сифат кўрсаткичларига қараб ҳисобга олиб бориши;

колхоз ерларини авайлаб асраши ва уларни талон-торож қилинишидан қатъиян муҳофаза қилиши;

табиатдан оқилона фойдаланишни ва атроф муҳити муҳофаза қилинишини таъминлаши, табиатни муҳофаза қилувчи қонунларнинг талабларига риоя этиши зарур.

Колхоз раиси, мутахассислар, ишлаб чиқариш бўлинмалари — бўлимлар, бригадалар, участкалар, шунингдек пудрат коллективларининг раҳбарлари ер муҳофаза қилиниши ва ундан юқори унум билан фойдаланилиши учун шахсий жавобгардирлар.

10. Давлат ёки жамоат манфаатларини кўзлаб, колхоз ерлари майдонининг камайтирилиши ёки колхоз фойдаланаётган ерлар чегараларининг ўзгартирилиши колхозчилар умумий йиғилишининг розилиги билангина тегишли давлат органларининг қарорларига биноан амалга оширилади. Бунда тубдан яхшилаш ишлари ўтказилган суғориладиган ва захи қочирилган ерлар, экинзорлар, кўп йиллик мевали дарахтлар ва токзорлар, пичанзорлар ва яйловлар билан банд бўлган ер участкалари одатдагидек, қишлоқ хўжалигидан бошқа эҳтиёжларга берилишига йўл қўйилмайди.

Колхоз:

экинзорлар ва бошқа табиий объектлар олиб қўйилганлиги, яроқсиз ҳолга келтирилганлиги ёки тугатилганлиги натижасида етказилган зарарни ундириб олиш;

ер участкаларини колхоз аъзоларига, бошқа гражданларга, шунингдек колхозлар, корхоналар ва ташкилотларга ижарага бериш ва бошқа шаклдаги иккиламчи фойдаланишга бериш;

ўз территориясида ғоят муҳим экологик, тарихий ёки илмий аҳамиятга эга бўлган табиий ва хўжалик объектларини аниқлаши ҳамда уларни тегишли муҳофаза режимига биноан табиий ёки маданий ёдгорликлар, деб эълон қилиш тўғрисида белгиланган тартибда таклиф киритиши ҳуқуқига эга.

## IV. Колхоз мулки

11. Колхоз ери давлат мулки бўлиши билан бир қаторда унинг кооператив мулки ҳам колхознинг иқтисодий негизидир.

Колхознинг ўзига қарашли ер-мулкка бўлган ҳуқуқи қонун билан муҳофаза қилинади.

Колхозга қарашли жамоат бинолари, иморатлар, уй-жойлар, тракторлар, комбайнлар ва бошқа машиналар, ускуналар, транспорт воситалари, хўжаликда фойдаланиладиган ва маҳсулдор қорамоллар, кўп йиллик дов-дарахтлар, мелиоратив иншоотлар, етиштирилган маҳсулот, пул маблағлари ва колхознинг бошқа мол-мулки колхоз мулкини ташкил этади.

Хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар, агрокомбинатлар ва бошқа бирлашмалар мулкини ҳосил қилишда колхознинг қай тариқа иштирок этганлигига қараб, ана шу мулк ва мазкур ташкилотлар фаолиятидан олинган фойданинг бир қисми ҳам колхоз мулкидир.

12. Колхоз ўз фаолиятини амалга ошириш ва жамоат хўжалигини янада ўстириш учун асосий ва оборот ишлаб чиқариш фондларини вужудга келтиради, улардан планли ва унумли фойдаланади ҳамда тўлдириб боради. Бу фондлар бўлинмас фондлардир (улар колхоз аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас) ва улардан фақат аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилади.

Ноишлаб чиқариш мақсадидаги асосий фондлар ҳам бўлинмас фондлардир.

Колхоз асосий фондларни тўла тиклаш ва уларни капитал ремонт қилишда амортизация маблағлари ажратади.

Колхознинг оборот маблағлари унинг бутунлай ўз ихтиёрида бўлади ва ундан олинмайди. Колхоз оборот маблағларидаги камчилик колхознинг умумий даромади ва банк кредити ҳисобига тўлдирилади.

Оборот маблағларининг миқдорини колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши колхознинг ишлаб чиқариш — молия планини тасдиқлаш чоғида белгилайди.

13. Фақат колхознинг ўзи — унинг бошқарув органлари колхоз мулкини ва пул маблағларини идора қилиш ҳуқуқига эга. Колхоз ўз фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ўз маблағлари сарфланишига йўл қўймайди.

Колхоз:

моддий-техника таъминоти корхоналари ва ташкилотлари билан тузиладиган шартномалар асосида улгуржи савдо тартибида ва лимитлар асосида материал ресурслар сотиб олиш, шунингдек бошқа корхоналар ва ташкилотлардан техника воситалари, материаллар, хом ашё ва ускуналар сотиб олиш;

чакана савдо корхоналаридан ва бошқа ташкилотлардан нақд пулга материаллар, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар ва кичик ҳажмдаги ускуналар, кичик механизация воситалари ва моддий-техника буюмлари сотиб олиш;

ўз фаолиятида колхоз аъзоларининг мол-мулки билан ёрдам беришидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бунда колхозчиларга тўланадиган даромад уларнинг колхоз фаолиятига мол-мулк билан берган ёрдами даражасига мувофиқ бўлиши ва колхозчилар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланиши керак;

бошқа корхоналар ва ташкилотларга, шунингдек гражданларга бинолар, иншоотлар, ускуналар, техника, инвентарлар, хом ашё ва бошқа моддий мулкларни сотиш, алмаштириш, ижарага бериш, топшириш, вақтинча фойдаланиш учун текинга ёки қарзга бериш, шунингдек улар путурдан кетган ёки маънавий эскирган бўлса уларни балансдан чиқариш ҳуқуқига эга.

Колхоз мулки нобуд бўлиши, етишмаслиги, яроқсиз ҳолга келиши ва йўқолишида, шунингдек тракторлар, автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналари, ишлатиб фойдаланиладиган қорамоллардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда айбдор бўлган ёки бошқа тарзда моддий зарар етказган колхоз аъзоси зарарнинг миқдорини колхозга тўлаши шарт.

Кўрилган ҳақиқий зарарнинг миқдорини колхоз правлениеси белгилайди. Зарар колхоз аъзоси меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги сабабли етказилган бўлса, зарар бевосита етказилган миқдорда, бироқ унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда ундириб олинади. Қасддан зарар етказилганда, шунингдек қонунда кўзда тутилган ҳолларда колхоз аъзолари тўла ва оширилган миқдорда моддий жавобгар бўладилар. Колхоз аъзоси маст ҳолда етказган зарар ҳам тўла ҳажмда ундириб олинади.

Колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган миқдордаги зарар колхоз правлениесининг қарорига мувофиқ унинг иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан ундириб олинади. Колхоз аъзоси ўз иш ҳақидан ушлаб қолинган ёки унинг миқдоридан норози бўлган тақдирда меҳнат можароси унинг аризасига кўра, ушбу Уставнинг 35-бандида кўзда тутилган тартибда қараб чиқилади. Бошқа ҳолларда зарар колхоз аъзосининг розилиги билан колхоз правлениесининг қарорига биноан унинг иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда суд йўли билан ундириб олинади.

## V. Колхознинг ишлаб чиқариш—хўжалик ва молиявий фаолияти

14. Колхознинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилишдан иборат.

Колхоз қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ва сақлаш, бинокорлик материалларини топиш ва тайёрлаш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, бошқа ёрдамчи ва ҳунармандчилик соҳаларни ривожлантириш, саноат корхоналари, савдо, таъминот ва бошқа хўжалик ташкилотлари билан колхозда ишлаб чиқариш кооперацияси асосида турли буюмлар ва товарлар ишлаб чиқариш учун саноат цехлари (участкалари) ташкил этиш юзасидан шартнома муносабатлари ўрнатиши, шунингдек бошқа ишлар ва хизматларни бажариши мумкин.

Колхоз ўзининг Уставдаги вазифаларига мос келадиган ва мавжуд қонунларга зид бўлмаган ҳар қандай ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини, шу жумладан ўзи жойлашган райондан ташқарида амалга оширишга ҳақлидир.

15. Колхоз колхозчиларнинг умумий йиғилишида мустақил ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган иқтисодий ҳамда социал ривожланиш беш йиллик ва йиллик планлари асосида ўз фаолиятини юритади.

Давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулоти етказиб бериш хўжалик шартномалари ва бошқа хил шартномалар, марказлаштирилган тарзда тақсимланадиган моддий ресурслар етказиб бериш миқдори, пудрат ишлари лимити, шунингдек узоқ муддатли иқтисодий нормативлар планлаштириш учун дастлабки маълумотлардир.

Колхоз планларни тузиш чоғида жамоат хўжалигини кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни таъминлаш ҳамда колхоз территориясида яшаб турган колхозчилар ва бошқа гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш, давлат олдидаги мажбуриятларини бажариш, маҳсулот етиштиришни ривожлантириш ҳамда колхозчиларнинг моддий ва маданий-маиший эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришнинг асосий манбаи сифатида ялпи даромадни бутун чоралар билан кўпайтириш заруратига амал қилади.

Колхоз ўзининг ишлаб чиқариш бўлинмаларига хўжалик ҳисоби топшириқларини белгилайди ёки улар билан умуман хўжалик бўйича қабул қилинган план кўрсаткичлари бажарилишини таъминлайдиган шартнома муносабатлари ўрнатади.

16. Колхоз ўз савдо тармоғи орқали, колхоз бозорида матлубот кооперацияси ва бошқа ташкилотларга сотиладиган маҳсулотга мустақил нарх белгилаш ҳуқуқига эга. Белгиланган харид нархлари бўйича давлат буюртмаси ҳисобига шартномалар асосида реализация қилинадиган маҳсулот бунга кирмайди.

17. Колхоз хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар, агросаноат комбинатлари, агрофирмалар ва бошқа бирлашмалар фаолиятида ихтиёрий равишда қатнашиши, ана шу корхоналар ҳамда бирлашмаларнинг маҳсулотлари ва хизматларидан фойдаланиши мумкин.

18. Колхоз пайчилик асосида ишлаб чиқариш, маданий-маиший объектлар қуриш, ободонлаштириш ҳамда колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларни амалга ошириш учун колхозчилар умумий йиғилишининг қарори билан ўз маблағларининг бир қисмини агросаноат комплекси корхоналари ва бирлашмаларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ҳамда бошқа давлат ва кооператив корхоналар, шунингдек жамоат ташкилотларининг маблағлари билан бирлаштириши мумкин.

19. Колхоз қишлоқ хўжалиги, ёрдамчи саноат ва ҳунармандчилик корхоналари маҳсулотини сотиш, техника, материал, чорва моллари ва бошқа мулк сотиб олиш, хўжаликлараро кооперация асосида саноат моллари ишлаб чиқариш, илмий ишланмалар, лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж ва бошқа ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва бошқа хил хизматлар билан таъминланиш учун давлат, кооператив ва жамоат ташкилотлари билан шартномалар тузади, шунингдек гражданлар билан ўз фаолияти мақсадларига мос келадиган шартномалар тузади ва бошқа шартнома муносабатлари ўрнатади.

20. Колхоз белгиланган тартибда халқаро кооператив ташкилотлар фаолиятида қатнашиши, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалик кооперативлари ва бошқа корхоналари билан, шунингдек капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг корхоналари ва фирмалари билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ҳамда ҳамкорлик ўрнатиши ва бундай алоқаларни ривожлантириши мумкин. Колхоз ўзининг ташқи иқтисодий алоқалари натижалари учун тўла жавобгардир.

21. Колхоз СССР давлат агросаноат банки муассасасида пул маблағларини ҳисобга олиш ва сақлаш учун счёт очади, барча касса ва ҳисоб-китоб операцияларини ўтказади.

Колхоз счётларидан СССР давлат агросаноат банки муассасасига пул ўтказиш ва ундан пул олиш колхоз правлениесининг буйруғи билан амалга оширилади.

Колхоз қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлардан фойдаланиши мумкин.

Колхоз счётларига пул ўтказиш ёки пул олиш тўғрисидаги колхоз правлениесининг фармойишлари, шунингдек колхознинг кредитларга оид мажбуриятлари колхоз раиси ва бош бухгалтернинг имзолари бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

22. Колхоз бухгалтерлик, оператив ва статистик ҳисоб-китоб олиб боради, ҳисоб-китобнинг илғор метод ва формаларини жорий этади, тасдиқланган формалар асосида ҳисоб-китоб тайёрлайди ва уни белгиланган муддатда тегишли органларга тақдим этади.

23. Колхоз ўз аъзоларининг мажбуриятлари ва қарзларига жавобгар эмас. Колхоз аъзолари колхознинг мажбуриятлари ва қарзларига ўз мулки билан жавобгар бўлмайдилар.

## VI. Меҳнатни ташкил этиш, унга ҳақ тўлаш, муҳофаза қилиш ва меҳнат интизоми

24. Колхоз жамоат хўжалигидаги ишлар колхозчиларнинг шахсий меҳнати билан бажарилади.

Колхозда тегишли мутахассислар бўлмаган ёки қишлоқ хўжалик ишлари ҳамда бошқа ишлар колхозчиларнинг кучлари билан зарур муддатларда бажарила олмайдиган ҳолларда ишчи ва хизматчиларни меҳнат шартномасига мувофиқ ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Колхоз ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат ресурсларидан тўла-тўкис ва ғоятда оқилона фойдаланилиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

25. Колхозда иш кунининг давомийлиги ва тартиби, меҳнатга қобилиятли колхозчиларга дам олиш кунлари, ҳақ тўланадиган йиллик отпускалар бериш тартиби, шунингдек уларнинг жамоат хўжалигидаги меҳнатда иштирок этиш минимуми колхознинг ички тартиб-қоидалари билан йўлга қўйилади.

26. Колхоз ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил этиш формаларини — участкалар, цехлар, фермалар, бригадалар, звенолар ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларини хўжаликнинг конкрет шароитларига қараб белгилайди ва қўллаиади.

Колхоз меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг асосий формаси сифатида коллектив пудратни қўллаиади, шунингдек оилавий, шахсий пудратдан ҳамда бошқа пудрат формаларидан фойдаланади.

Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг составига колхозчилар жамоат хўжалигини ривожлантириш манфаатларидан келиб чиқиб, меҳнат коллективининг фикрини ва шахсий истакни, шунингдек малака ва иш тажрибасини эътиборга олиб танланади. Колхоз правлениеси ишлаб чиқариш зарурати пайдо бўлган ҳолларда колхозчини бажараётган иши юзасидан меҳнатига унинг аввалги ишидаги ўртача маошидан кам бўлмайдиган ҳақ тўлаб бошқа ишга вақтинча, олти ой муддат билан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Колхоз ишлаб чиқариш бўлинмаларининг коллективларига ер участкалари, тракторлар, машиналар ва асбоб-анжомлар, иш ҳайвонлари ва чорва мол, иморатлар ҳамда бошқа моддий ресурслар бириктиб қўйилади.

Колхоз ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаолияти ички хўжалик ҳисоби асосида амалга оширилади.

Колхоз ишлаб чиқариш бўлинмаларининг хўжалик ҳисобидаги топшириқлари ва шартномалар меҳнат коллективларининг иштирокида тузиб чиқилади.

Колхоз правлениеси билан хўжалик ҳисобидаги пудрат коллективлар ўзларининг шартномавий мажбуриятларига қатъий риоя қиладилар ҳамда бу мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун моддий жавобгар бўладилар.

27. Колхознинг жамоат хўжалиги колхозчилар даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади. Колхозда меҳнатга ҳар бир колхозчи бажарган ва жамоат хўжалигига қўшган меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ ҳақ тўланади ҳамда у яхши меҳнат учун, энг яхши кўрсаткичлар учун—кўпроқ ҳақ деган принцип асосида ишнинг пировард натижалари билан белгиланади.

Колхоз аъзоларининг меҳнат ҳақи меҳнат унумдорлигини илдам ўстириш асосида ошириб борилиши керак.

Колхоз меҳнатга ҳақ тўлаш формалари ва шартларини мустақил белгилайди Хўжалик ҳисоби ва коллектив пудратдан фойдаланиб, ялпи даромаддан, етиштирилган (реализация қилинган) маҳсулот, бажарилган ишлар ҳажми учун меҳнатга ҳақ тўлашни, шунингдек вақтбай меҳнат ҳақи ҳамда бошқа меҳнат ҳақи турларини қўлланади.

Колхозчининг айби билан сифатсиз бажарилган ишга ҳақ тўланмайди ёки бунинг учун ҳақ миқдори тегишлича камайтирилади.

Колхоз ҳамда унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари раҳбарлари билан мутахассисларининг меҳнатига ҳақ тўлаш формалари ва шартларини колхозчиларнинг умумий йиғилиши белгилайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари (маҳсулот етиштириш нормалари, иш унуми нормалари, ҳайвонлар нагрузкаси, мукофотлаш ва ҳоказолар) колхозчилар ва мутахассисларнинг кенг иштирокида, хўжаликнинг конкрет шароитларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилиб, колхоз правлениеси томонидан тасдиқланади ҳамда ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий шарт-шароитлари яхшилана борган сари қайта кўриб чиқилади.

28. Колхоз жамоат ишлаб чиқаришидаги иш учун колхоз аъзолари меҳнатига ҳақ белгилайди, унинг даражаси хўжалик юритишнинг пировард натижаларига боғлиқдир. Колхоз аъзоси меҳнатига ҳақ тўлаш гарантияси кенг кўламдаги такрор ишлаб чиқариш, планлаштирилган соф даромадни олиш, меҳнат бурчларини виждонан бажариш билан таъминланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан, сифатини яхшилаш ва унинг таннархини арзонлаштиришдан колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида асосий меҳнат ҳақи билан бир қаторда қўшимча ҳақ, тежамкорлик учун мукофотлар ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турлари, касбларда ўриндошлик, хизмат зонасини кенгайтирганлик ёки бажарилган ишларнинг ҳажмларини оширганлик ва шу кабилар учун устама ҳақ қўлланилиши мумкин.

Ички хўжалик ҳисоби принциплари асосида иш кўраётган ишлаб чиқариш бўлинмалари ихтиёрига колхозчиларнинг умумий йиғилиши белгилаган тартибда моддий рағбатлантириш фондининг бир қисми ажратиб берилиши мумкин.

Белгиланганидан ортиқча харажатларга йўл қўйган бригадалар, звенолар, фермалар ва бошқа бўлинмаларнинг коллективлари колхоз правлениесининг қарорига биноан ана шу ортиқча харажатни улар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлашга сарфлаш кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан батамом ёки қисман қоплайдилар.

Колхоз бошқариш аппарати ходимларининг штатларини мустақил белгилайди, бунда уни қисқартиришга ва унга сарфланадиган маблағларни камайтиришга ҳаракат қилади.

Жамоат хўжалигида меҳнат қилиш юзасидан белгиланган минимумни узрли сабабларсиз бажармаган, ишлаб чиқаришда нуқсонлар ва прогулларга йўл қўйган, жумладан ишда уч соатдан кўпроқ узрли сабабсиз бўлмаган, маст ҳолда ишга келган, шунингдек хўжалик йили тугамасдан узрли сабабсиз колхоздан чиқиб кетган ёки колхоз правлениесининг қарори билан колхоз аъзолигидан чиқарилган колхоз аъзолари меҳнат коллективининг таклифларини эътиборга олиб қўшимча ҳақдан, пировард натижалар учун устама ҳақдан ва моддий рағбатлантиришнинг бошқа турларидан қисман ёки тўла маҳрум этилишлари мумкин.

Ишдан асоссиз бўшатилган колхозчига мажбурий прогул вақти учун ўртача иш ҳақи тўланади, аммо бу уч ойдан ошмаслиги керак.

29. Колхозчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун колхозда натура фонди тузилади, бу фондга ялпи дон ва бошқа маҳсулотлар ҳосилининг, шунингдек, ем-хашакнинг муайян қисми ажратилади. Ана шу маҳсулотлар ва ем-хашак колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши белгилайдиган миқдор ва тартибда колхозчиларга меҳнат ҳақи ҳисобидан берилади ёки сотилади.

30. Колхоз правлениеси колхозчиларга тегишли иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлайди. Бунда ойига камида бир марта пул тўланади, натура маҳсулоти эса унинг тушишига қараб берилади.

Колхознинг йиллик ҳисоботи тасдиқлангандан кейин бир ой муддатдан кечикмай, колхозчилар билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

31. Колхоз правлениеси касаба союз комитети билан биргаликда ушбу Уставга амал қилиб, ички тартиб-қоидаларни, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги, ички хўжалик ҳисоби. коллектив пудрат ҳамда бошқа пудрат формалари ҳақидаги низомларни ишлаб чиқади, улар колхозчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади.

32. Колхоздаги барча ишлар хавфсизлик техникаси юзасидан белгиланган қоидаларга ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

(Давоми 3-бетда).

